

Ўзбекистон Республикаси Номидан
Х У К М

2020 йил сентябрь ойининг 20 куни кинчи ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Х.С.Ақбаров

Судья ёрдамчиси С.Қадрова, томонлардан давлат айбловчиси Юқоричирчиқ туман прокурори ёрдамчиси О.Абдурасулов ва судланувчи А.Хасановнинг адвокати Г.Давлатовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28, 211-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 28, 211-моддаси 2-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган [REDACTED] га нисбатан №1-1117-2002/84-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – 22.01.1987 йилда Бухоро вилояти Гиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, [REDACTED], оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ҳарбий хизмат мажбур, давлат мукофоти олмаган, депутатликка сайланмаган, Бухоро вилояти Гиждувон тумани [REDACTED], вақтинча Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани [REDACTED] да истикомат қилади, жиноят иш бўйича 09.06.2020 йил “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилиб, туман судининг 2020 йил 20 августдаги ажрими билан қамоқ эҳтиёт чораси муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 27 июнь куни олган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб ҳамда мазкур жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб ва таҳлил қилиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED], Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимида ишлаб келган даврида, қасддан алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқукни қўлга киритиш мақсадида 2018 йилнинг сентябрь ойида Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, турли алдов йўллари билан унинг ишончига кириб, шу тариқа У.И.Юсуповадан 2018 йилнинг ноябрь ойида 200.000 сўм, ҳамда 2018 йилнинг декабрь ойида эса 700.000 сўм миқдоридagi жами 900.000 сўм миқдоридagi пулларини эгаллаб олиб, кейинчалик ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Хасанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимида ишлаб келиб, 2018 йилнинг сентябрь ойида Юқоричирчиқ туманидаги



мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, унинг ишончига кириб, шу тариқа У.И.Юсуповдан 2018 йилнинг ноябрь ойида 200.000 сўм, ҳамда 2018 йилнинг декабрь ойида эса 700.000 сўм миқдоридаги жами 900.000 сўм миқдоридаги пулларини эгаллаб олгач, кейинчалик дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган “Шохрух” исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, у билан бир гуруҳ бўлиб, ғаразғўйлик манфаатларини кўзлаб, У.И.Юсуповнинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломи нострификация қилинмаган бўлсада, ушбу расмий ҳужжат гўёки 2019 йил 04 апрель куни нострификация қилинганлиги тўғрисида У.И.Юсупова номига О № 008698 серияли сохта гувоҳномани рангли принтер ёрдамида тайёрлаб, ушбу қалбаки нострификация гувоҳномасини фуқаро У.И.Юсуповага тақдим этган.

2) Бундан ташқари А.А.Хасанов ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимида ишлаб келган даврида, қасддан алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида 2018 йилнинг октябрь ойида Юқоричирчиқ туманидаги 18-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, турли алдов йўллари билан унинг ишончига кириб, 2018 йилнинг декабрь ойи охирларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8339 сўм 55 тийин) миқдоридаги пулларни олиб, унга жами 2.501.865 сўм миқдоридаги пулларини эгаллаб олиб, кейинчалик ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, А.А.Хасанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимида ишлаб келиб, 2018 йилнинг октябрь ойида, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, шу тариқа А.И.Момбековдан 2018 йилнинг декабрь ойи охирларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8339 сўм 55 тийин) миқдоридаги, жами 2.501.865 сўм миқдоридаги пулларини эгаллаб олгач, кейинчалик дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган “Шохрух” исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, у билан бир гуруҳ бўлиб, ғаразғўйлик манфаатларини кўзлаб, А.И.Момбековнинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломи нострификация қилинмаган бўлсада, ушбу расмий ҳужжатда 08.0242019 санаси кўрсатилган ҳолда, нострификация қилинганлиги тўғрисида А.И.Момбекова номига О № 008691 серияли сохта гувоҳномани рангли принтер ёрдамида тайёрлаб, ушбу қалбаки нострификация гувоҳномасини фуқаро А.И.Момбековага тақдим этган.

А.А.Хасанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, қасддан алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2018 йилнинг декабрь ойи охирларида ундан



300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8339 сўм 55 тийин) миқдоридаги, жами 2.501.865 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг январь ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8356 сўм 18 тийин), 2.506.854 сўм миқдорида пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг январь ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8356 сўм 18 тийин), 2.506.854 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг январь ойи охирларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8384 сўм 94 тийин) 2.515.482 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг январь ойи охирларида ундан 500 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8384 сўм 94 тийин) 4.192.470 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йил 08 февраль куни ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8401 сўм 53 тийин), 2.520.459 сўм миқдоридаги пулларни, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг февраль ойи охирларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8403 сўм 19 тийин) 2.520.957 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг март ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8374 сўм 10 тийин) 2.512.230 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига



кириб, 2019 йилнинг март ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8374 сўм 10 тийин) 2.512.230 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг март ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8374 сўм 10 тийин) 2.512.230 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи [REDACTED] ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг март ойи охирида ундан 2.500.000 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг апрель ойи ўрталарида ундан 100.000 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг апрель ойи ўрталарида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8455 сўм 37 тийин) 2.536.611 сўм миқдоридаги пулларини, фуқаро [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг апрель ойи ўрталарида ундан 200 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8455 сўм 37 тийин), 2019 йил 10 сентябрь куни 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9395 сўм 63 тийин) миқдоридаги пулларида иборат, жами 4.509.763 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг апрель ойи охирида ундан 600.000 сўм ва 400 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8445 сўм 49 тийин), жами 3.978.196 сўмга тенг миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг апрель ойи охирида ундан 600.000 сўм ва 400 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8445 сўм 49 тийин), жами 3.978.196 сўмга тенг миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг май ойи ўрталарида ундан 550.000 сўм миқдоридаги пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED]нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг май ойи ўрталарида

Protected by PDF Anti-Copy Free
 (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

PDF



ундан 525.000 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг июнь ойи ўрталарида ундан 150 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8518 сўм 68 тийин) 1.277.802 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг июнь ойи ўрталарида ундан 150 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8518 сўм 68 тийин) 1.277.802 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, ундан 2019 йилнинг июль ойида 600.000 сўм, 2019 йил август ойи бошларида 500 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8704 сўм 87 тийин), 4.352.435 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг август ойи бошларида ундан 4.600.000 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг сентябрь ойи охирларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9424 сўм 54 тийин) 2.827.362 сўм миқдоридagi пулларини, Юқоричирчиқ туманидаги [REDACTED] мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келган [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг ноябрь ойи бошларида ундан 300 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9467 сўм 27 тийин) 2.840.181 сўм миқдоридagi пулларини, фуқаро [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг ноябрь ойи бошларида ундан 12.000.000 сўм миқдоридagi пулларини, фуқаро [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида ундан 669.000 сўм миқдоридagi пулларини, фуқаро [REDACTED] га, унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, 2019 йил 20 ноябрь куни 700.000 сўм, 2020 йил 19 январь куни 500 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9550 сўм 76 тийин), 2020 йил 02 март куни яна 500 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 9526 сўм 28 тийин) миқдоридagi пулларни олиб, унга жами 9.538.520 сўм миқдоридa моддий зарар етказиб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.



Бундан ташқари, А.А.Хасанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2018 йилнинг декабрь ойларини охиридан то 2020 йил март ойини бошларига қадар бўлган вақт оралиғида

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)



нинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги дипломини нострификация қилишда ёрдам беришини айтиб, улардан пул маблағларини турли йўллар билан қўлга киритиб олгач, кейинчалик дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган “Шохрух” исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, у билан бир гуруҳ бўлиб, ғаразгўйлик манфаатларини кўзлаб, уларнинг Қозоғистон Республикасидаги Олий таълим муассасасини битирганлик тўғрисидаги диплом нострификация қилинмаган бўлсада,

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 0088405 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008696 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008694 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008896 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008692 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 0091125 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008695 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008699 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008892 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 0088374 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008701 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008702 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 0087483 серияли қалбаки гувоҳнома;

- [redacted] га гўёки диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 0091121 серияли қалбаки гувоҳнома;



Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], айбига қисман иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни 2018 йил 2 июль кунидан 2019 йил 13 декабрь кунига қадар Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида методист лавозимда ишлаб келганлигини, 2018 йил ноябрь ойида у Юқоричирчиқ туманидаги 6-ўрта мактабдан 3-та синф хонасини ижарага олиб, бу ерда математика, тарих ва она тили ва адабиёти фанларига ихтисослашган “Бухоро зиё” номли ўқув марказини ташкил этиши, у ерга ўзига таниш бўлган 3 та фандан дарс ўтувчи ўқитувчиларни олиб келиши, у ерда асосан Юқоричирчиқ туманидаги умумтаълим мактаби [REDACTED]лари тушликдан кейин келиб ўқишганлигини, асосий йўналиш ўқувчи [REDACTED]лий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун тайёрлаш бўлганлигини, у ноябрь ойида ўқув марказида иш олиб бораётган вақтида, ўқув марказига Юқоричирчиқ туманида фаолият олиб борувчи бир неча ўқитувчилар тарих фанидан дарс ўтишни сўраб келишганлигини, сабаби улар хорижий дипломга эга бўлиб, ўз дипломларини нострификация қилдириш учун тарихдан Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясида тарих фанидан имтихон топширишлари керак бўлганлигини, у мурожаат билан келган ўқитувчиларни тахминан 30 тасини ўқув курсига қабул қилганлигини, улар тарих фанидан бир ойга 120.000 сўмдан пул тўлашиб, бир ой давомида ўқиб таълим олишганлигини, шундан кейин улар Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига имтихон топшириш учун боришганлигини, улардан бир нечтаси ўз билими билан имтихондан ўтиб, дипломини нострификация қилдириб олганлигини, шундан кейин имтихондан ўта олмаган 3-4 та ўқитувчилар 2019 йил ноябрь ойларида уни олдига келишиб, унга улар нострификация учун имтихон топшириб ўта олмаганликларини айтишиб ҳамда ундан бу масалада ёрдам беришини сўрашганлигини, у ўша вақтда нострификация қилиш учун ёрдам бераётган биъзи ўқитувчиларнинг ҳужжатларини таржима қилдириш учун Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси биноси олдидаги хизмат кўрсатиш жойига борганида, у ерда Шохрух исмли йигит билан танишиб қолганлигини, Шохрух билан гаплашганида у унга Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясида ишлашини айтганлигини, у Шохрухни у ерда айнан қандай лавозимда ишлашини билмаганлигини, у Шохрухга у ишлаётган туманда нострификация учун ҳужжат топшириб имтихондан ўта олмаган ўқитувчилар борлигини, уларга дипломини нострификация қилишда ёрдам бера олиш ёки олмаслигини сўраганида, Шохрух унга бу ишда ёрдам беришини айтганлигини, Шохрух унга ҳар бир дипломни 300 АҚШ долларидан нострификация қилдириб беришини айтганлигини, у Юқоричирчиқ туманига келгач, ундан ёрдам сўраган ўқитувчиларга 300 АҚШ доллари эвазига дипломни нострификация қилиш мумкинлигини айтганлигини, шундан кейин ўқитувчилар бир биридан эшитган ҳолда, унга алоҳида алоҳида келиб, мурожаат қилишганлигини, у улардан 300 АҚШ долларидан ҳамда паспорт нусхаси ва диплом нусхасини олиб, Шохрухга олиб бориб берганлигини, у Шохрухга ҳар сафар ҳар хил миқдорда, яъни 1 тадан 5 тагача ҳужжат олиб борганлигини, жами тахминан 5-6 марта ҳужжат олиб борганлигини, ҳар сафар у билан Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси биноси олдидаги хизмат кўрсатиш жойида кўришишганлигини, уни телефонини билмаслигини, Шохрух ҳужжатларни олгач, тахминан 1 ҳафта 10 кун оралиғида унга нострификация гувоҳномаларини берганлигини, у ушбу гувоҳномаларни қонуний ўйлаб, ўқитувчиларга олиб келиб берганлигини, ўқитувчилар кўпи ушбу номалар билан ўз ишларини давом эттириб кетишганлигини, 2020 йил февраль хирларида унга Юқоричирчиқ туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчилар телефон



қилишиб, уларга у томонидан олиб келиб берилган нострификация гувоҳномаси сохта чиққанлигини айтишганлигини, шундан кейин у Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси биноси олдига бориб, Шохрухни излаганини, бирок уни олмаганини, шундан кейин уни Юқоричирчик тумани Департаментига чақиришганлигини, у ерга бориб, ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳамда ўқитувчилардан олинган пуллардан 2000 АҚШ долларини олиб берганлигини, ваҳоланки у ўқитувчилардан олинган пулларни ҳаммасини Ш. [REDACTED] олиб бориб берганлигини, у ўқитувчиларга дипломларини нострификация [REDACTED] беришни олдиндан айтмаганлигини ўқитувчиларни ўзлари ундан кел [REDACTED] м сўрашганлигини, ҳозирда у қилмишидан пушаймонлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] судда куйидагиларни, яъни у ҳозирги кунда Юқоричирчик туманидаги 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида 2017 йил февраль ойидан директор бўлиб ишлаб келишлигини, уни раҳбарлигида бир неча ўқитувчилар бўлиб, улар турли олий ўқув юртларини тугатганликларини, улар орасида Қозоғистон Республикасидаги Олий ўқув юртларини тамомлаганлари ҳам бўлиб, улардан айримларини дипломлари 2019 йил ўқув йили бошида нострификация қилинмаганлигини, шу сабабли туман халқ таълими бўлими томонидан шу турдаги ўқитувчиларнинг дипломларини нострификация қилиш талаби қўйилганлигини, у раҳбарлик қилувчи мактабда ўқитувчилар [REDACTED]

[REDACTED], шунингдек 2019 йил февраль ойида туғруқ таътилига чиққан [REDACTED] ларни дипломлари нострификация қилинмагани сабабли уларга раҳбарият талабини етказганлигини, 2019 йил март ойларида ушбу ўқитувчиларни 6-мактабга қатнаб юрганликларини эшитганини, улар туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишловчи [REDACTED] дипломларни нострификация қилишда ёрдам бераётганлигини айтишганидан кейин бу масалага аралашмаганлигини, ўқитувчилар ўзлари бориб ишларини ҳал қилиб юришганлигини, 2019 йил сентябрь ойида туғруқ таътилидаги А.Момбековадан ташқари қолган ўқитувчилар унга нострификация гувоҳномаларини тақдим этишганлигини, у ушбу гувоҳнома асосида уларга дарс тақсимоли қилиб берганлигини, ҳамда улар олий маълумотли мутахассис сифатида иш бошлашганлигини, 2020 йил февраль ойи бошларида дипломи нострификация қилинган ўқитувчилар уни олдига кириб, дипломлари штрих коди телефон программасида чиқмаганлигини айтишганлигини, шундан кейин улар ўзлари ундан таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига хат билан мурожаат қилиб, гувоҳномани ҳақиқийлигини текшириб кўришни сўрашганлигини, у ўқитувчиларни илтимосига кўра таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига хат юборганлигини, орадан бир муддат ўтиб, ўқитувчилар [REDACTED]

[REDACTED] ларнинг нострификация гувоҳномаси қалбаки эканлиги тўғрисида хат келганлигини, шундан кейин у мазкур ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] судда куйидагиларни, яъни у ҳозирги кунда Юқоричирчик туманидаги 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келишлигини, у 2005 йилда Тошкент вилояти Педагогика билим юртини тугатиб, ўрта-маҳсус маълумот билан 18-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлаганлигини, 2012 йилда 18-мактабда ишлаб юриб, Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида



жойлашган Қозоғистон Давлат педагогика институтига махсус сиртки бўлимига “география” факультетига ўқишга кириб, 2015 йилда География мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаб диплом олганлигини, лекин олган дипломи нострификациядан ўтмаганини, шундан сўнг ўрта-махсус маълумоти билан 2018 йилгача бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганлигини, 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасидан ташқари ўқитувчилар 6-сонли мактабга бориши ҳақидаги хабарни эшитиб ва у билан бир қаторда Қозоғистонда ўқиган бир нечта ўқитувчилар айтилган 6-сонли мактабга боришганлигини, мактабда туман халқ таълими бўлими директори [Redacted] йиғилиш ўтказиб, у маърузасида чет эл дипломларини нострификация қилиш тартиби соддалаштирилганлигини, туман халқ таълими бўлими мудирини Абдукамол Мамадалиев топшириғига кўра тумандаги барча чет эл дипломи бор ўқитувчиларга уни нострификация қилишда ёрдам беришини айтганлигини, бу йиғилишда тахминан 25-30 тача ўқитувчи бўлганлигини, шу ерда йиғилганлар Асрорга бир қанча саволлар беришганлигини, у барча саволларга жавоб берганлигини, у ҳам унга “бизники 3 йиллик таълим дипломи ўтадим” деб сўраганида А.Хасанов “ўтади” деб жавоб бериб ва тестга тайёрланиш учун тарих фанидан билим олиш кераклигини, ўқиш пуллик эканлигини, яъни бир ойга 120,0 минг сўм бўлишини айтганлигини, улар 2018 йилнинг ноябрь ойидан ўқишни бошлашганлигини, ўқиш учун А.Хасановга 120.000 сўм пул беришганлигини, 2018 йил ноябрь ойи охирида Давлат хизматлари марказида нострификация учун Халқ банкига энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божини тўлаб, ҳужжатларни таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига жўнатганлигини, у билан бирга яна бир неча ўқитувчилар жўнатишганлигини, орадан тахминан 10-15 кун ўтиб, таълим сифатини назорат қилиш инспекциясидан уларни дипломи нострификация қилинмаслиги тўғрисида маълумот келганлигини, шунда у зудлик билан А.Мухаммедовга бу хабарни айтганлигини, у унга “ҳавотир олманг 2019 йилнинг январь ойида тестга борасизлар” деб айтганлигини, 2019 йил январь ойи ўрталарида мактабдаги бошқа ўқитувчилар билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Нурхон кўчасида жойлашган 21-уйдаги таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига боришганлигини, лекин улар боргандан кейин у ерга келган ўқитувчиларни ҳаммаси ҳам ичкарига тестга қўйилмаганлигини, яъни уларни паспортлари билан маълумотларни назоратчилар текшириб кўриб, уларни диплом нострификация қилиш бўйича рад этилганлигини айтишганлигини, шу кунни ўзида улар А.Хасановга кўнғироқ қилиб, бу хабарни айтганида у уларга “ҳавотир олманглар мен ўзим ҳаммасини гаплашаман” деганлигини, эртаси куни А.Хасанов унга кўнғироқ қилиб, “тестдан ўтдиларинг бўлди ҳаммаси ҳал бўлди, энди фақат суҳбатга борасизлар” деганлигини, лекин маълум муддат ўтгач суҳбатни ҳам ҳал қилганлигини айтганлигини, у Асрорни олдига бориб, ишини ҳал қилиб бергани эвазига нима қилиши кераклигини сўраганида Асрор унга 300 АҚШ доллари беришини айтганлигини, шундан сўнг у 2019 йил январь ойи охирида 6-сонли мактабга бориб, у ерда Асрор билан учрашиб, унга 300 АҚШ долларини берганлигини, Асрор унга нострификация гувоҳномасини март ойларида беришини айтганлигини, 2019 йилнинг апрель ойи ўрталарида А.Хасанов уни ва у билан нострификацияга ҳужжат топширган бошқа ўқитувчиларга ҳам нострификация гувоҳномасини берганлигини, 2019 йил сентябрь ойида 18-сонли мактабда олий маълумотли мутахассис сифатида ишлаганлигини, 2020 йил февраль ойининг бошларида кўлидаги гувоҳномани QR-телефон орқали текшириб кўрганида, гувоҳнома штрих коди чиқмаганлигини, ан сўнг мактаб директори таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига



дипломлари юзасидан сўровнома жўнатганлигини, 2020 йил 25 февраль куни мактаб директори Ф.Худойберганова уни чақириб, таълим инспекциясидан келган жавоб хатига кўра кўлидаги гувоҳнома қалбаки эканлигини айтганлигини, хозирги кунда судланувчи А.Хасановдан унга ётказилган моддий зарар 300 АҚШ долларини ундириб беришни ва унга нисбатан энгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] судда қуйидагиларни, яъни у х[REDACTED] кунда Юқоричирчиқ туманидаги 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида [REDACTED] лавозимида ишлаб келишлигини, у 2005 йилда Тошкент вилояти Педагогика институтининг юртини тугатиб, ўрта-махсус маълумот билан 18-сонли мактабга ёшлар [REDACTED] лавозимида ишга қабул қилинганлигини, 2013 йилда 18-мактабда ишлаб юриб, Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида жойлашган Мухтар авехов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университетига махсус сиртқи бўлимига “педагогика ва психология” факультетига ўқишга кириб, 2016 йилда ўқишни тамомлаб диплом олганлигини, лекин олган дипломи нострификациядан ўтмаганлиги сабабли олий маълумотли мутахасис сифатида ишлай олмаганлигини, шундан сўнг ўрта-махсус маълумоти билан 2018 йилгача бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганлигини, 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўқиган ўқитувчилар 6-сонли мактабга бориши ҳақидаги хабарни эшитиб ва у ҳамда у билан бир қаторда Қозоғистонда ўқиган бир нечта ўқитувчилар айтилган вақда 6-сонли мактабга боришганлигини, мактабда туман халқ таълими бўлимнинг ходими Мухаммедов Асрор йиғилиш ўтказиб, у маърузасида чет эл дипломларини нострификация қилиш тартиби соддалаштирилганлигини, туман халқ таълими бўлими мудир Абдукамол Мамадалиев топшириғига кўра тумандаги барча чет эл дипломи бор ўқитувчиларга уни нострификация қилишда ёрдам беришини айтганлигини, бу йиғилишда тахминан 25-30 тача ўқитувчи бўлганлигини, шу ерда йиғилганлар Асрорга бир қанча саволлар беришганлигини, у барча саволларга жавоб берганлигини, унга “бизники 3 йиллик таълим дипломи ўтадим” деб сўраганида А.Хасанов “ўтади” деб жавоб бериб ва тестга тайёрланиш учун тарих фанидан билим олиш кераклигини, ўқиш пуллик эканлигини, яъни бир ойга 120,0 минг сўм бўлишини айтганлигини, улар 2018 йилнинг ноябрь ойидан ўқишни бошлашганлигини, ўқиш учун А.Хасановга 120.000 сўм пул беришганлигини, 2018 йил ноябрь ойи охирларида Давлат хизматлари марказида нострификация учун Халқ банкига энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божини тўлаб, хужжатларни таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига жўнатганлигини, у билан бирга яна бир неча ўқитувчилар жўнатишганлигини, орадан тахминан 10-15 кун ўтиб, таълим сифатини назорат қилиш инспекциясидан уларни дипломи нострификация қилинмаслиги тўғрисида маълумот келганлигини, шунда у зудлик билан А.Мухаммедовга бу хабарни айтганлигини, у унга “хавотир олманг 2019 йилнинг январь ойида тестга борасизлар” деб айтганлигини, 2019 йил январь ойи ўрталарида мактабдаги бошқа ўқитувчилар билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Нурхон кўчасида жойлашган 21-уйдаги таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига боришганлигини, лекин улар боргандан кейин у ерга келган ўқитувчиларни ҳаммаси ҳам ичкарига тестга қўйилмаганлигини, яъни уларни паспортлари билан маълумотларни назоратчилар текшириб кўриб, уларни диплом нострификация қилиш бўйича рад этилганлигини айтишганлигини, шу кунни ўзида улар А.Хасановга кўнғироқ қилиб, бу хабарни айтганида у уларга “хавотир олманглар мен ўзим ҳаммасини гаплашаман” деганлигини, эртаси куни А.Хасанов унга кўнғироқ қилиб, “тестдан ўтдиларинг бўлди ҳаммаси ҳал бўлди, энди фақат суҳбатга борасизлар” деганлигини, лекин маълум муддат ўтгач суҳбатни ҳам ҳал қилганлигини айтганлигини, у 2019 йил



январь оyi охирларида 6-сонли мактабга бориб, у ерда Асрор билан учрашиб, унга 300 АҚШ долларини берганлигини, Асрор унга нострификация гувоҳномасини март ойларида беришини айтганлигини, шундан сўнг у А.Хасановдан ҳаммаси қонуний бўладими, ҳозирда интернет баъда деган нарсалар бор деб айтганида у унга “ҳаммаси жойида бўлади, ҳавотир олманг” деб жавоб берганлигини, 2019 йилнинг апрель оyi ўрталарида А.Хасанов уни ва у билан нострификацияга ҳужжат топширган бошқа ўқитувчиларга ҳам нострификация гувоҳномасини берганлигини, 2019 йил сентябр ойидан 18-сонли мактабда олий ўқувчи мутахассис сифатида иш бошлаганлигини, 2020 йил февраль оyi ўрталарида қўлидаги гувоҳномани QR-коди телефон орқали текшириб кўргани, қўлидаги гувоҳнома штрих коди чиқмаганлигини, шундан сўнг мактаб директори таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига дипломлари юзасидан сўровнома жўнатганлигини, 2020 йил 25 февраль куни мактаб директори Ф.Худойбергенова уни чакириб, таълим инспекциясидан келган жавоб хатига кўра қўлидаги гувоҳнома қалбаки эканлигини айтганлигини ҳозирги кунда судланувчи А.Хасановдан унга етказилган моддий зарар 300 АҚШ долларини ундириб беришни ва унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куйидагиларни, яъни у 2002 йилда Тошкент вилояти Педагогика коллежининг “бошланғич синф ўқитувчиси” сиртки бўлимига ўқишга кириб, 2003 йил ноябрь ойидан бошлаб Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги 18-сонли таълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилинганлигини, 2012 йилда Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида жойлашган Жанубий Қозоғистон Педагогика институтига “Педагогика” “Чизмачилик ва тасвирий санъат” йўналишида сиртки бўлимига ўқишга қабул кириб, 2015 йил ўқишни тамомлаб диплом олганини, лекин дипломи нострификация қилинмаганлиги сабабли, уни мактаб раҳбариятига топширмасдан, ўрта махсус маълумот бўйича бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келганлигини, Қозоғистон Республикасида ўқиб келган дипломини нострификация қилиш мумкинлиги ҳақида эшитиб, 2019 йил август ойлари бошида [REDACTED] га Қозоғистон Республикасида ўқиб келган дипломининг нострификация қилиб беришини илтимос қилиб, унга жаъми 4.600.00 сўм пул берганлигини, 2019 йил сентябрь ойида [REDACTED] 18-сонли мактаб ўқитувчиси [REDACTED] дан дипломи нострификация гувоҳномасини бериб юборганлигини, у ушбу гувоҳномани мактаб директорига тақдим этиб, ушбу гувоҳнома асосида тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан ҳам қўшимча дарс ўта бошлаганлигини, 2020 йил февраль оyi ўрталарида нострификация гувоҳномаларини қалбаки эканлиги ҳақида билишиб, мактаб директори Ф.Худайбергенова таълим сифатини назорат қилиш бошқармасига нострификация гувоҳномаси бўйича сўров хати юборганлигини, сўров хатига жавобда унга тегишли гувоҳнома қайд этилмаганлиги, яъни уни қалбаки эканлиги маълум қилинганлигини ва мактаб директори ҳолдат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилганлигини ҳозирги кунда судланувчи А.Хасановдан унга етказилган моддий зарар 4.600.000 сўмни ундириб беришни ва унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куйидагиларни, яъни у 1999-2001 йиллар давомида Тошкент вилояти педагогика билим юртини бошланғич таълим йўналишини ўқиб тамомлаганини, бундан ташқари 2010-2012 йиллар давомида Қозоғистон Республикасидаги Мухтор [REDACTED] номидаги педагогика университетини бошланғич синфларда ўқитиш факультетини ўқиб тамомлаганини, ўзи 2001 йилдан буён 26-сонли [REDACTED] ий таълим ўрта мактабига ҳар хил вазифаларда, айтии вақтда бошланғич синф



Ўқитувчиси вазифасида ишлаб келишини, 2018 йил октябрь ойида мактаб ўқитувчилари орасида тарих фанидан ўқув курси очилиши ва Қозоғистон Республикасида ўқиб олиб келинган дипломларни нострификация қилиш мумкинлиги ҳақида ўқитгани ва бошқа таълим ўрта мактабига Қозоғистон Республикасидаги университетларни тамомлаб келганларни чақираётганликларини билиб, у ерда борганлигини, у ерда туман халқ таълим бўлимида методист бўлиб ишловчи [REDACTED] ўзини таништириб, ушбу мактабда ҳар хил фанлардан ўқув курси очганини айтганини, шунингдек бошқа ўқитувчилардан Хасанов Асрор Қозоғистон Республикасида ўқишни тамомлаб келганларни дипломларини нострификация қилишда ёрдам беришини билишганини, ўзи А.Хасанов томонидан ташкил этилган ўқув марказида тарих фанидан 1 ой давомида таҳсил олиб, у ҳам дипломини нострификация қилиш мақсадида А.Хасановга мурожаат қилганини, А.Хасанов 2019 йилнинг октябрь ойларида курсда ўқиб таҳсил олаётган барча ўқитувчиларнинг дипломларини йиғиб олиб, таълим инспекциясидан текширтириб келаман деб олиб кетиб, орадан вақт ўтиб А.Хасанов ҳаммани дипломларини қўлига қайтариб бериб, ҳаммани таълим инспекциясидан текширтириб келганини, агарда ўқиш масканлари ёпилиб кетмаган барчани дипломи ўтади деб айтганини, ўзи бошқа диплом нострификация қилмоқчи бўлган ўқитувчилар билан бирга туман Давлат хизматлари марказига дипломни нострификация қилиш учун ариза топширганини, орадан 3 ҳафтача вақт ўтиб, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясидан уни дипломини нострификация қилиб бўлмаслиги тўғрисида жавоб келганини, бу тўғрисида Хасанов Асрорга айтганини ва 2018 йилнинг декабрь ойи охирида А.Хасанов ўқув курсидаги барча ўқитувчиларни Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Нурхон кўчасида жойлашган таълим инспекциясига имтихонга боришларини тайинлаганидан сўнг ўша ерда бориб, имтихон топширмоқчи бўлганларида у ерда нотаниш бўлган киши чиқиб, “сизларни дипломларингиз 3 йиллик экан, нострификация қилиш имкони йўқ” деб уларни имтихонга киргазмасдан, қайтариб юборанлигини, улар зудлик билан А.Хасановга қўнғироқ қилиб бўлиб ўтган ҳолатни тушунтиришганида, “бўлди сизлар уйга қайтаверинглар, бу ёғини ўзим ҳал қилман” деб айтганлигини ва орадан бир икки кун ўтиб, А.Хасанов билан 6-мактабда кўришиб, унинг ҳам дипломини нострификацияси қилдириб беришини сўраганлигини, 2018 йилнинг декабрь ойи охирида Хасанов Асрор билан учрашиб, унга диплом нусхаси ва 300 АҚШ долларини берганлигини ва шу тариқа 2019 йил апрель ойи бошларида таълим инспекциясидан ўтказилган нострификация гувоҳномаларини олганлигини, лекин ушбу гувоҳномаларни қалбаки эканлиги аниқланиб, шу тариқа А.Хасановга нисбатан жиноят иши қўзғатилганидан хабар топганлигини, ҳозирги кунда судланувчи А.Хасановга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни у 2008 йилда Юқоричирчиқ туманидаги 6 сонли ўрта мактабни 9-синфини тамомлаб, ўқишни ЎзМУ қошидаги академик лицейда давом эттириб, 2011 йилда ушбу лицейни тамомлаганлигини, сўнг 3 йил давомида Низомий номидаги педагогика Университетига ўқишга топшириб, ўқишга кира олмаганлиги сабабли 2012 йилда Қозоғистон Республикаси Жетисай вилоятидаги Сирдарья Университетининг чет тиллар факультетига сиртдан ўқишга кириб, ўқишни 2014 йилда тамомлаганлигини, 2018 йил октябрь ойи бошларида бошқа ўқитувчилардан туман халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишловчи Хасанов Асрор исмли одам тумандаги 6-сонли умумтаълим мактабида ўқув курси очиб, ўқитувчиларни ўқитиб, уларни дипломини нострификация қилиб бераётганлигини эшитиб, у ҳам 6-мактабга бориб, А.Хасановга учрашганлигини, А.Хасанов унга ундаги ўқув курсида тарих



фанидан ўқиб, кейин нострификацияга хужжат топширишини айтганлигини, ўқув курси учун 120.000 сўм тўлаб, курсда ўқиганлигини, 2018 йил 19 ноябрда туман Давлат хизматлари маркази орқали Сирдаря Университети томонидан берилган дипломни нострификация қилдириш учун хужжат топширганлигини, 2019 йил март ойларида унга Давлат хизматлари марказига дипломим нострификация қилинмаслиги бўйича рад жавоби келганини, шунда А.Хасановга телефон қилиб, диплом нострификациясига рад жавоби берганлигини айтиб, у билан 6-мактабда кўришиб, ундан ёрдам сўраганлигини, А.Хасанов ўзи ёрдам беришини дипломини нострификация қилдириб беришини айтиб, уни ҳам дипломи нострификация қилинганидан сўнг ҳамма А.Хасановга 1000 долларда пул берганлигини эшитиб, 300 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни берганлигини, диплом нострификация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани дипломи билан 35-ўрта мактабга топшириб, инглиз тилидан дарс бера бошлаганлигини, лекин 2020 йил март ойига келиб, туман мактабларида А.Хасанов томонидан олишга ёрдам берилган нострификация сертификатлари қалбаки эканлиги тўғрисида гап чиққанидан сўнг ўзини гувоҳномаси QR кодини текширганимда, унда маълумот чиқмасдан, шунда уни гувоҳномаси ҳам қалбаки эканлигини билдим шу тариқа А.Хасановга нисбатан жиноят иши қўзғатилганидан хабар топганлигини, ҳозирги кунда судланувчи А.Хасановга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куйидагиларни, яъни у 2003 йилда Паркент туманидаги 24 сонли ўрта мактабни 9-синфини тамомлаб, 1-сонли Тошкент Педагогика коллежида ўқиганлигини, 2006 йилда коллежни битирганидан сўнг олдинига Паркент туманидаги 24-мактабда техник ходим бўлиб ишлаб, сўнг Юқоричирчиқ тумани, Саксонота маҳалласига 2007 йилда турмушга чиққач, 35-мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишга кириб, ҳозиргача шу мактабда турли лавозимларда ишлаб келишини, 2010 йилларда уни маълумоти ўрта махсус бўлгани сабабли, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятидаги Халқлар дўстлиги номидаги Қозоғистон муҳандислик педагогика университетининг “Педагогика ва бошланғич таълим услуги” факультетига сиртдан ўқишга кириб, ўқишни 2014 йил тамомлаганлигини, бироқ ўзини коллеж дипломи билан мактабда ишлаб келганлигини, 2018 йил сентябрь ойларида мактабдаги ўқитувчилар орасида туман Халқ таълими бўлимида ишловчи [REDACTED] чет элда ўқиган ўқитувчиларни ўқитиб, дипломини нострификация қилиб бераётганлигини эшитдим. Шундан кейин мен ҳам бошқа ўқитувчилар қатори 6-мактабга бориб, ўқув марказига икки ой ўқитиши учун 240 минг сўм пул тўлаб, тарих фанидан ўқиганлигини, тумандаги ўқитувчиларни дипломларини А.Хасанов нострификация қилдиришга ёрдам бераётганлигини эшитиб, унга дипломини ва 500.000 сўм пул бериб, нострификация қилдиришда ёрдам сўраганлигини, 2019 йил апрель ойида Асрор уни ўқув курсида ўқиганлар қаторида унга ҳам 008698 серияли нострификация гувоҳномасини олиб келиб берганлигини, у ушбу гувоҳномани мактабга тақдим қилиб, ишлаб юрганлигини, 2020 йил март ойига келиб, нострификация сертификатлари қалбаки эканлиги аниқланганлигини, судланувчи А.Хасановдан унга етказилган моддий зарар 500.000 сўмни ундиришни ва унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED]

[REDACTED] лар суд мажлисида сўралган гувоҳлар



Қ.Турдибекова, Р.Дуйсебаева ва А.Талиповаларнинг кўрсатувиغا ўхшаш худди шу мазмунда кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] куйидагиларни, яъни у 2003 йилда Юқоричирчиқ туманидаги 38 сонли ўрта мактабни 9-синфини тамомлаб, ўқишни Тошкент маданият коллежида давом эттириб, 2006 йилда коллежни тамомлаганлигини, сўнг 2007 йилда Юқоричирчиқ туманидаги 24-сонли болалар [REDACTED] ва санъат мактабида дўмбира синфи ўқитувчиси бўлиб иш бошлагани, [REDACTED] 2009 йилда 38-ўрта мактабга мусиқа фани ўқитувчиси бўлиб ишга кириб, [REDACTED] 2010 йилдан бошлаб ишлаб келганини, 2011 йил сентябрь ойида Қозоғистон Республикаси Ташкент вилоятидаги Халқлар дўстлиги муҳандислик педагогика Университетининг махсус сиртки бўлимига информатика йўналиши бўйича сиртдан ўқишга кириб, 2014 йилда ушбу университетни бакалавр дипломи билан тамомлаб келиб, 2018 йил январь ойдан 28-ўрта мактабда психолог бўлиб ишлаб келишини, 2019 йил январь ойдан бошлаб дипломини нострификация қилдиришни суриштириб юрганида Юқоричирчиқ туманидаги 6-ўрта мактабда диплом нострификация қилувчилар учун ўқув курси бўлаётганлигини эшитиб, у ерга борганлигини, [REDACTED] ўқув курси ташкил қилганини эштиб, у билан гаплашиб, ҳам нострификация учун, ҳам олий ўқув юртига тайёрланиш учун тарих фанидан 2 ойга ўқув курсига ёзилиб, 2 ой учун 240.000 сўм пул тўлаганлигини, ўқиш жараёнида туман Давлат хизматлари марказига бориб, дипломи нострификация қилдириш учун ҳужжат топшириб, бу ҳақда Асрордан ёрдам сўраганлигини, А.Хасанов унга диплом нусхаси ва паспорт нусхасини берса, нострификация гувоҳномасини олишга ўзи ёрдам беришини айтганини ва унга диплом нусхаси ва паспорт нусхасини бериб, ўзи ўқишга тайёрланиб юрганлигини, 2019 йил июль ойига келиб, А.Хасанов унга телефон қилиб, 6-мактабга келишини айтганини, у ерга бориб, А.Мухамедодан дипломи нострификация қилинганлиги тўғрисидаги О № 008892 серияли гувоҳномани олганлигини, 2020 йил март ойига келиб, нострификация сертификатлари қалбаки эканлиги аниқланганлигини, ўзи А.Хасановга умуман пул бермаганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED]

[REDACTED] лар гувоҳ И.Халжигитовнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув беришди.

Суд мажлисида судга келмаган гувоҳлар [REDACTED]

[REDACTED] ларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи А.Хасанов уларнинг ушбу кўрсатувларини тасдиқлашлигини билдирди.

Суд, суд мажлисида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб ҳамда мазкур жинойт иши материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, судланувчи А.Хасанов айбига қисман икrorлик билдириб кўрсатувлар беришган бўлсада, унинг юқоридаги жинойтларни содир этганликдаги айби, суд мажлисида сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан, шунингдек, жинойт ишига қўшилган фуқаро Ф.Худойберганованинг аризаси (1-жилд, и.в.5, тушунтириш хатлари (1-жилд, и.в. 8-25), суд-техник экспертизасининг



хулосаси (2-житлд, и.в.205-207), юзлаштириш баённомалари (3-жилд, и.в. 1-9), ҳамда жинойт иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Хасанов томонидан содир этилган жинойтнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фирибгарлик, яъни такроран алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкни қўлга киритиши билан фойдаланган жинойт харақатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи А.Хасанов томонидан содир этилган жинойт харақатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, *“Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим”* эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида *“Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукмдан ЖПКнинг 26,90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳарақатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин”* лиги кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинойтида мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилишда эгаллаб турган мансаб лавозимидан келиб чиқадиган ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан ўз ваколати доирасида ва ундан ташқарида қасдан фойдаланиши тушунилади, шунингдек оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган ушбу белгининг субъекти фақат мансабдор шахс бўлар экан, у мансаб мавқеига эга бўлади ва жинойт содир этишда уни суиистеъмол қилади.

Суд тергови давомида А.Хасанов Юқоричирчиқ тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимида ишлаб келганлиги ва у мансабдор шахс эмаслиги тўғрисида Тошкент вилояти, Халқ таълими бошқармаси томонидан 14.08.2020 йилдаги хатида туман Халқ таълими бўлими методисти ташкили бошқарув ваколатларига, муайян фаолият участкасига, айрим ҳолимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари кирмаслиги бўлганини, шунингдек, унинг муаммоли вақтида мансабдор шахс бўлиши, унинг иш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкни асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифаларига эга эмаслиги мансабдор шахс турига кирмаслиги

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)



кўрсатилган, суд судланувчи А.Хасановнинг ҳаракатларида “мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса” деб кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган ушбу белгини тергов органи томонидан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, А.Хасановнинг жиноий ҳаракатларини фақат такроран фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиб, қўшимча равишда ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан квалификация қилишни талаб этилмаслиги сабабли, унинг оғирлашувидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” бандини қўшимча қилишни лозим деб топади.

Шунингдек, суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Хасановнинг қилмиши, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.10.2017 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 22-бандида, “агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиниб, қўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди” деб кўрсатилган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатларига қараганда, судланувчи А.Хасанов фуқароларни пора беришга қизиқтириб, далолат қилганлиги ўз исботини топмади. Балки, пора бериш ташаббуси фуқаролар томонидан билдирилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Қ.Турдибекова, Р.Дуйсебаева, Э.Мадалиевалар ўз кўрсатувида уларнинг ўзи А.Хасановга Қозоғистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқиган дипломларини нострификация қилдириш учун ёрдам сўрашганликларини сабаби тест синовларига борганларида, у ерда кўпчилик бошқа вилоятлардан келган ўқитувчиларнинг бу ерга тахминан 20 маротаба имтиҳонга келишларини, шунда ҳам имтиҳондан ўта олмасдан, дипломларини нострификация қилдира олмаганликлари ҳақида эшитганларидан сўнг уларнинг ўзлари ҳам имтиҳондан ўта олмасликларидан кўрқиб, А.Хасановга қўнғирок қилишиб, уларни дипломларини нострификация қилдириб беришда пора эвазига амалий ёрдам беришни сўраганликларини, шунда А.Хасанов уларга таниши орқали ёрдам беришни ваъда бериб, буни эвазига улардан хар хил миқдордаги пулларни беришларини сўраганини баён қилишган.

Бундай ҳолда, судланувчи А.Хасановнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиб бўлмайди. Юқоридагиларга асосан, суд, судланувчи А.Хасановнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” бандини чиқаришни лозим топади.

Бундан ташқари, суд судланувчи А.Хасановнинг мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг такроран, ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштириши, ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлганлиги ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки 2015 йил 21 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ЖК 209-моддаси 1-қисмининг диспозицияси қуйдаги тахрирда баён



этилган, “мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киртиши, ҳужжатларни ҳалобожлаштириши, ёки сохла туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса” – деб кўрсатилади.

Судланувчи А.Хасанов Юқоричида келтирилган тумани Халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар методисти лавозимидан бўлиб келганлиги ва у мансабдор шахс эмаслиги тўғрисида Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси томонидан 14.08.2020 йилдаги хатида туман Халқ таълими бўлими методисти ташкили бошқарув ваколатларига, муайян фаолият участкасига, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари кирмаслиги ва маъмурий хўжалик ваколатларига, мол-мулкни бошқариш ва тассаруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкни асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифаларига эга эмаслиги мансабдор шахс турига кирмаслиги кўрсатилганини инобатга олиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан, шу Кодекснинг 228-моддаси 2-қисмининг «а» бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Хасановга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишлигини, фуқароларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлигини, айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилмаган жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги №1-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-463, 465-468-моддаларини раҳбарликка олиб, суд:

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

██████████, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 228-моддасининг 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

-Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб энг кам ойлик иш ҳақининг 150 (бир юз эллик) баравари миқдорида, яъни 33.450.000 (ўттиз уч миллион тўрт юз эллик минг) сўм жарима жазоси;

-Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 2-қисми “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) баравари миқдорида, яъни 11.150.000 (ўн бир миллион бир юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган қарни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ўташлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 190 (бир юз тўқсон) баравари миқдорида, яъни 42.370.000 (қирқ икки миллион уч юз етмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Хасановнинг 2020 йилнинг 09 июнь кунидан 2020 йил 20 август кунига қадар қамоқда сақланган 72 кун қамоқ муддатининг ҳар бир кунини энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб таширо, узин кесил энг кам ойлик иш ҳақининг 154 (бир юз эллик тўрт) баравари миқдорда, яъни 34.342.000 (ўттиз тўрт миллион уч юз қирқ икки минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига қўйилсин.

Унга нисбатан қўлланилган ҳужжат б хулқ авторда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган бўлиши бекор қилинсин.

Иш бўйича етказилган эҳтиёт қоплаш ҳисобига судланувчи А.Хасанов томонидан 2020 йил 20 август кунги тўлов қвитанциясига асосан “Ipoteka bank” АТИБ Тошкент вилоят филиали Амалиёт бошқармасининг “Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Тошкент вилоят ҳудудий бўлимнинг талаб қилиб олгунча ҳисоб-рақамига топширилган 48.200.000 сўм пул маблағларидан [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.197,312 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 4.125.000 сўм, [REDACTED] га 4.125.000 сўм, [REDACTED] га 3.094,86 сўм, [REDACTED] га 12.000.000 сўми қайтарилсин.

Иш бўйича А.Хасановдан ашёвий далил тариқасида олиниб, Ипотекабанк Якксарой филиалининг 220384040406021701 ҳисоб рақамига 2020 йил 03 март куни ҳамда 2020 йил 05 март куни топширилган жами 2000 (икки минг) АҚШ долларидан [REDACTED] га 500 АҚШ доллари, [REDACTED] га 500 АҚШ доллари ва [REDACTED] га 1000 АҚШ доллари қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, туман суди ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган 40 дона нострификация гувоҳномалари ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка муддат ичида шу суд орқали жинойт ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Х.С.Ақбаров

